
Волейбол бўйича очик турнир ўтказилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ҳудудларда турли спорт мусобоқалари, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 13 март куни тумандаги 10-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган спорт мусобоқаси ҳам аҳолини спортга бўлган қизиқишини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилди.

Катта ёшда эркаклар ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича ўтказилган очик турнирда Қўқон шаҳар, Бувайда, Қува, Булоқбоши, Андижон ва марҳамат туманларининг терма жамоалари иштирок этдилар.

Қизиқарли ўтган баҳсларда Бувайда тумани жамоаси 1-рин, Қўқон шаҳар жамоаси 2-ўрин ҳамда Қува тумани жамоаси 3-ўринни қўлга киритдилар. Ғолиб жамоалар ва мусобоқада фаол иштирок этган ўйинчилар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2022-03-14 11:36:24